15. Қайипов А., Фразеологизмларнинг бадиий адабиётларда қўлланилиш ўзига хосликлари. // “Амударё” 1998, № 1,2.111-112-б.
16. Ембергенова О., Қаҳрамонлик достонларида фразеологик сўз бирикмалари орасидаги синонимик муносабатлар. // “Амударё” 1997, № 7,8. 96-98-б.
17. Ембергенова О. Вестник Каракалпакского отделения АН Узбекистана. 1999. № 4,5. –С.85-86.
18. Қарақалпақ тили фразеологиясының актуал мәселелери. –Нөкис: «Қаракалпақстан», 2011.
19. Айназарова Г. Қарақалпақ тилинде теңлес еки компонентли фразеологизмлердиң лексика-семантикалық ҳәм стиллик өзгешеликлери. –Нөкис: “Қарақалпақстан”, 2015.
20. Юсупова Б. Қарақалпақ тилиниң фразеологиясы. -Тошкент: “Тафаккур қаноти”, 2014.

РЕЗЮМЕ

Мақола қорақалпоқ тилшунослигида фразеология масалаларининг ўрганилишига бағишланган. Фразеология масалалари кўпгина тилшунослар диққат марказида бўлган ва улар ишларининг муайян қисмини мазкур масалалар ташкил этади. Шунингдек, унда фразеологик синонимлар, омонимлар, антонимлар масалалари ҳам ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается изучению вопросов фразеологии в каракалпакской лингвистике. Вопросы фразеологии находятся в центре внимания многих лингвистов и занимают определённое место в их трудах. Рассматриваются также вопросы синонимиии, омонимии и антонимии фразеологических единиц.

SUMMARY

The article is devoted to the study of issues of phraseology in Karakalpak linguistics. Issues of phraseology remain in the centre of attention of many linguists and they take an honorable place in their research works. The author of the article also studies the synonymy, homonymy and antonymy of phraseological units.

.

АТРИБУТИВ БИРИКМАЛАР СТАТИСТИК ПАРАМЕТРЛАРИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ УСЛУБЛАРИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ БЕЛГИЛАРИНИНГ ИФОДАЧИСИ СИФАТИДА

Э.Хўжаниёзов – *филология фанлари номзоди, доцент*
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти
А.Айтбаева- *18 мактаб ўқитувчиси*

Таянч сўзлар: услуб, илмий услуб, бадиий услуб, атрибутив сўз бирикмалари, услублараро, услублар ичра, миқдор ва сифат параметрлари, экстралингвистик омил.
Ключевые слова: стиль, научный стиль, художественный стиль, атрибутивные словосочетания, межстилевой, внутристилевой, количественно-качественные параметры, экстралингвистический фактор.
Key words: style, scientific style, belles-lettres style, attributive word combinations, inter style, intra style, quantitative-qualitative parameters, extra linguistic factor.

Тил воситалари танланишининг содир бўлиши услуб ва тил элементларининг функционал ўзига хослиги туғрисида фикр юритишга имкон беради. Чунки услубларнинг асосий дифференциал белгилари ва шу белгилар асосида юзага чиқувчи нисбий биқиқлиги (замкнутость) ҳам мана шу икки томоннинг маҳсули сифатидагина намоён бўлади.

Ҳар бир услуб тил бирликларинннг тасодифий йиғиндисидан иборат бўлмасдан, балки маълум бир мақсад асосида таркиб топган, алоҳида нутқ ҳодисаси сифатида намоён бўлувчи система сифатида амал қилади. Демак нутқ структураси, стилистик қиёфаси, энг аввало, мана шу система сифатида таркиб топган тил элементларининг қўлланилиш частотасига боғлиқ. Бу ҳолат эса ҳар бир услубнинг сифат характеристикасини кўрсатувчи белгилардан бўлиб қолади. Демак, ўрганилаётган нутқ услубларининг тузилишини статистик метод асосида тадқиқ қилиш нутқ системасининг спецификасини аниқлашга, тил бирликларининг функционал моҳиятини очиб беришга жуда катта ёрдам берган бўларди. Бу ҳақда В. В. Виноградов 1938 йилдаёқ бундай деган эди: “По видимому в разных стилях книжной и разговорной речи, а также в разных стилях и жанрах художественной литературы частота употребления разных типов слов различна. Точные изыскания в этой области помогли бы установить структурно-грамматические, а отчасти и семантические различия между стилями. Но к сожалению, пока ещё этот вопрос находится лишь в подготовительной стадии обследования материала... Анализ всех грамматических категорий должен уяснить их относительный вес в разных стилях литературного языка” [1] Зотан, тилшуносликда, айниқса, услубшуносликда статистик методни қўллашнинг афзалликлари ва унинг самарадор усул эканлиги қатор ишларда қайд этилган [2].

Бу мақола ҳам миқдор ва сифат ўзгаришлара методидан фойдаланган ҳолда атрибутив бирикмаларнинг бир типи сифатида сифат+от бирикмаларнинг илмий ва бадиий нутқ услубларида қўлланилиш хусусиятларини изоҳлашга бағишланган. Чунки услубларнинг сифат фарқлари сўзга нисбатан сўз бирикмаларида ўз ифодасини топади [3].

Ҳозирги даврда ўзбек адабий тили доирасида илмий ва бадиий услублар ўзларининг лексик, морфологик ва синтактик хусусиятлари билан бир-биридан тубдан фарқ қилади. Чунки ўзбек халқи ҳаётида юз берган тарихий ўзгаришлар, маданият ва санъатнинг ўсиши, фан ва техниканинг ривожи, халқнинг илмий, маданий, ижтимоий-сиёсий савиясининг ўсиши унинг адабий тили функциясининг кенгайишига ва унинг услублараро дифференциация қилиниш жараёнининг кучайишига олиб келди. Бу ҳол синтаксисда ҳам ўз аксини топмай қолмайди, албатта. Биз В.В.Виноградовнинг юқоридаги фикридан келиб чиқиб, уни сифат+от типидаги бирикмалар мисолида кўрсатмоқчимиз.

Бунда содда атрибутив сўз бирикмаларининг услублараро дифференциация қилиниш жараёни ўзбек адабий тилининг ҳозирги кундаги ривожига мос бўлиши зарурлиги ҳисобга олинди. Аммо экстралингвистик фактор сифатида асар мавзуси нутқ элементларининг танланишига таъсири борлиги ёки йўқлигини аниқлаш мақсадидагина Ойбекнинг “Навоий” романидан бирмунча материал статистик таҳлил этилди. Тадқиқот натижаларининг ишончли бўлиши учун ўрганилаётган услубларнинг ҳар биридан тенг миқдорда 40 босма табоқ, ҳажмда матн танлаб олинди. Экстралингвистик омилларнинг услуб тузилишига қандай даражада таъсири борлигини аниқлаш мақсадида танланган текстлар ҳажмида ҳам бир хилликни сақлашга ҳаракат қилинди (ҳар бир муаллифдан 5 босма табоқ матн олинди). Ўз характери билан илмий насрга яқинлигини назарда тутиб, бадиий услубдан фақат муаллиф нутқи статистик таҳлилдан ўтказилди (бунда илмий нутқнинг монологик тузилиши ҳисобга олиниб, бадиий нутқдан ҳам шундай матнлар танлаб ўрганилди). Бадиий услубга оид материаллар атоқли ўзбек ёзувчиларидан Ойбекнинг “Навоий”, А.Қаҳҳорнинг “Синчалак”, О.Ёқубовнипг “Излайман”, Мирмуҳсиннинг “Умид”, С.Аҳмаднинг “Уфқ”, Ҳ.Ғуломнинг “Тошкентликлар”, Р.Файзийнинг “Ҳазрати инсон”, Шуҳратнинг “Шинелли йиллар” асарларидан олинди. Илмий услубнинг материали

сифатида асосан олий ўқув юртлари учун мўлжалланган ўзбек тилида ёзилган дарсликлар хизмат қилди. Ҳар бир фан хусусияти, экстралингвистик фактор сифатида амал қилиши мумкинлиги ҳисобга олиниб, таҳлил материаллари медицина, тупроқшунослик, сиёсий иқтисод, физиология, механика, география, тилшунослик, тарих каби фанларга оид матнлардан танланди.

Атрибутив сўз бирикмалари ичида энг кўп тарқалган конструкциялардан бири тобе ва ҳоким компоненти сифат+отдан ташкил топган конструкциядир. Бу тип конструкцияларнинг кўп тарқалишининг сабаби шундаки, атрибуция кенг маънода конкретлаштиришдир. Предметларнинг характер-хусусияти, белгиси, ранги,таъми, мазаси, ҳажми ва ҳолатини ҳеч бир сўз туркуми сифат каби аниқ характерлай олмайди. Шунинг учун ҳам атрибутив бирикмаларнинг кўпчилиги шу типдан тузилган. Статистик маълумотлар ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Хусусан, илмий услубдан тўпланган материалларимизда содда атрибутив бирикмалар 8069 та бўлиб, шулардан 4277 таси, яъни 53% ини сифат+от типидаги конструкциялар ташкил этади. Бадиий услубда шу миқдордаги материалдан тўпланган содда бирикмалар 4295 тадир. Шулардан 2012 тасини, яъни 46,8% ини сифат+от типидаги конструкциялар ташкил этади. (1-2 жадвал)

(1-жадвал)

№	Танланган фанлар	Танлама ҳажми	Содда атрибутив бирикмалар миқдори	% миқдори	Сифат+от типидаги бирикма миқдори	% ҳисобида	Аслий сифатли + от атрибутив бирикма	% ҳисобида	Нисбий сифат+от атрибутив бирикмак	% ҳисобида	Символ+от типидаги атрибутив бирикмалар	% ҳисобида	Сифат+от бирикмалар ўртача миқдори
1	Медицина	5 б/т	1056	100 %	739	69,9	228	30, 8	511	69,2	321	19,8	535,8
2	Тупроқшунослик	5 б/т	903	100 %	497	55,03	52	10,4	445	89,6			
3	Сиёсий иқтисод	5 б/т	733	100 %	347	54,1	88	22,1	309	77,9			
4	Материаллар қаршилиги	5 б/т	1620	100 %	576	35,5	89	15,5	487	84,5			
5	Ҳайвонлар физиологияси	5 б/т	564	100 %	317	56,2	62	19,5	255	80,5			
6	Ўрта Осиё иқтисодий географияси	5 б/т	1149	100 %	471	40,3	138	29,3	333	70,7			
7	Тилшунослик	5 б/т	1209	100 %	858	70,69	243	28,3	615	71,7			
8	Тарих	5 б/т	815	100 %	422	51,7	143	33,8	279	66,2			
Ҳаммаси		40 б/т	8069	100 %	4277	53	1043	24,3	3234	75,8			

(2-жадвал)

№	Танланган муаллифлар	Танлама ҳажми	Содда атрибутив бирикмалар миқдори	% миқдори	Сифат+от типидаги бирикмалар миқдори	% ҳисобида	Аслий сифат+от атрибутив бирикмалар	% ҳисобида	Нисбий сифат+от атрибутив бирикмалар	% ҳисобида	Символ+от типидаги атрибутив бирикмалар	% ҳисобида	Сифат+от бирикмалар ўртача миқдори
1	А. Қаҳҳор	5 б/т	677	100 %	261	30,5	172	66	89	34,1			251,5
2	Ойбек	5 б/т	734	100 %	486	66,2	380	78,2	106	21,8			
3	О. Ёқубов	5 б/т	513	100 %	198	38,4	150	75,75	48	24,24			
4	Мирмуҳсин	5 б/т	565	100 %	251	44,4	195	77,7	56	22,3			
5	С. Аҳмад	5 б/т	518	100 %	184	25,3	145	78,8	39	21,2			
6	Ҳ. Ғулом	5 б/т	422	100 %	244	57,8	171	70,1	73	29,9			
7	Шуҳрат	5 б/т	439	100 %	199	44,8	135	67,84	64	32,16			
8	Р. Файзий	5 б/т	427	100 %	189	44,8	136	72	54	28			
Ҳаммаси		40б/т	4295	100 %	2012	46,84	1484	73,7	528	26,3			

Илмий ва бадиий нутқ услубларига оид статистик маълумотлар содда атрибутив бирикмалар илмий услубда бадиий услубдагига нисбатан деярли икки баравар ортиқ қўлланишини (илмий услубда 8069 та учради, бадиий услубда 4295, сифат+от типидаги конструкциялар ҳам илмий услубда кўпроқ (53%), бадиий услубда камроқ (46,8%) қўлланилганлигини кўрсатди. Бу фарқлар стиллараро фарқлардир. Бундан ташқари атрибутив бирикмаларнинг типлари стиллар ичра ҳам фарқланади. Хусусан, тилшуносликка ва медицинага оид матнларда сифат+от бирикмасининг такрорланиш частотаси бошқа фанларга оид матнларга нисбатан анча юқори. Бу ҳол шунинг билан изоҳланадики, инсон организмининг ички хусусият-

лари, ташқи кўриниши, турли ҳолати, табиий жиҳатларини ўрганиш ва ҳоказолар медицина фанининг ўрганиш объектидир. Бу обьектни тўлалигича тушунтириш ва тасаввурда идрок қилиш учун сифат+от типидаги атрибутив конструкцияларга эҳтиёж сезилади, шу сабабли ушбу бирикмалар фаол қўлланган. Тилшуносликка тегишли матнларда сифат+от типидаги конструкциянинг кўп қўлланилиши шунинг билан изоҳланадики, унда ўрганилаётган категориянинг номи тобе компонент вазифасида қўлланилиб, ҳоким компонент вазифасидаги сўз билан атрибутив бирикма ҳосил қилади. Бу типдаги бирикмалар аниқ фанларда тобе компонент вазифасида символлар қўлланган конструкциялар билан ҳам берилиши мумкин. Мисол. Р куч, АВ кесма, каби бирикмалар структура нуктаи назаридан "қандай" олмош, "сўроқ сўз" каби тобе компонент + ҳоким компонент характеридаги бирикмаларга мос келади. Фан предмети қанчалик абстракт характерда бўлса, у символлардан, формулалардан шунчалик интенсив равишда фойдаланади. Биз ўрганган материаллардан фақат М.Т.Ўрозбоевнинг "Материаллар қаршилиги" асаридагина бундай символлар учради. Бундан ташқари тилшуносликда шаблон ҳолига келиб қолган ва лексикализацияга мойил биркмалар кўпчиликни ташкил этади, бундай бирикмалар ижтимоий фанларда, жумладан тарихда ҳам анчагинадир.

Сифат+от бирикмасининг илмий услубда 8 та матнда ўртача қўлланилиш миқдори 574,7 ни ташкил этади. Сиёсий иқтисод, тупроқшунослик, ҳайвонлар физиологияся, география, тарих каби фанларга оид матнларда бу тип конструкциялар ўртача миқдордан анча кам, медицина, материаллар қаршилиги, тилшунослик матнларида эса анча кўп миқдорда учрайди. Бу ҳол илмий услубда фаннинг тури унинг ўрганиш объекти нутқ элементларининг танланишига ҳал қилувчи таъсир ўтказишини кўрсатади.

Услублараро ва услублар ичра бундай фарқлар нутқнинг системалилик характерини кўрсатувчи муҳим далиллардан ҳисобланади (таблицада келтирилган стилллараро ва стиллар ичра фарқларни қиёсланг).

Юзаки қараганда бадиий услубга оид текстларда сифат+от типидаги конструкциялар кўпдек туюлади, аммо статистик маълумотларга мурожаат қилинганда бутунлай бу фикрга зид манзарани кўриш мумкин. Бадиий услубда сифат+от типидаги бирикманинг ўртача қўлланилиш частотаси 251,5 тадир, яьни илмий услубдаги ўртача миқдордан икки баравар камдир. Илмий услубда бу конструкцияниг энг кўп қўлланилиши медицина билан тилшуносликка оид матнларда кузатилса, бадиий услубда унинг энг кўп қулланилиши Ойбек асарларида кўзга ташланади. Ойбек "Навоий" романида турли манзараларни, пейзаж, портрет ва ҳоказоларни тасвирлашда атрибутив конструкцияларга кўпроқ мурожаат қилади, яъни Ойбек бу асарида объектларни тасвирлашда наққошларча кўрсатиш йўлидан борган. Демак, бадиий услубда ёзувчининг индивидуал услуби асосий экстралингвистик омил сифатида катта аҳамият касб этади.

Мазкур конструкциянинг семантик ўзига хос группаланиши ҳам илмий ва бадиий услубларни услублараро ва услублар ичра фарқлашга хизмат қилади. Чунки конкретлаштиришнинг ҳар иккала стилда турлича намоён бўлиши аслий ва нисбий сифатли атрибутив конструкцияларнинг ишлатилишида ҳам яққол кўринади. Тобе компоненти аслий сифатли атрибутив бирикмаларнинг ишлатилиши жиҳатидан, шубҳасиз, бадиий услуб энг юқори поғонага кўтарилади, яъни барча сифат+от бирикмасининг 73,7 % ини ташкил қилади. Тобе компоненти нисбий сифатли атрибутив бирикмалар эса атиги 26,5% дир. Чунки бу услубда объект ҳақида хабар ёки тушунча берилибгина қолмасдан, балки унинг турли-туман характерли белгилари очилади, табиат, ҳаёт, инсон турмуши кенг картиналарда гавдалантирилади. Бундай тасвир, образлилик, деталларнинг конкрет, ёрқин белгиларини тасвирлашда ҳеч бир сўз туркуми аслий сифатларнинг функциясини бажараолмайди. Шунинг учун ҳам барча ёзувчилар аслий сифатларнинг бу имкониятидан усталик билан фойдаланадилар. Айникса, бу Ойбек ва С.Аҳмад асарларидан олинган матнларда анча кўп.

Таблицадан маълумки, бадиий услубда автор индивидуаллиги асосий экстралингвистик омил сифатида мазкур конструкциянинг танланишида қўлланилиш ҳажмида ҳам ҳал қилувчи рол уйнайди. Шунинг учун ҳам кўпгина олимлар индивидуаллик иш қоғозлари услубида бутунлай йўқлигини, илмий услубда бир оз мумкинлигини, публицистик услубда анча сезиларли эканлигини ва сўзлашув услубида анча юқори даражада бўлса, бадиий адабиётда эса муаллиф ўзига хослиги санъатнинг асосий белгиси эканлигина таъкидлайдилар[4].

Илмий услубдан олинган статистик маълумотларнинг кўрсатишича, аслий ва нисбий сифатли атрибутив бирикмаларнинг мазкур услубда қулланилиши бадиий услубдагига нисбатан бутунлай тескари манзарани ҳосил қилади. Бу услубдан танланган матнларда аслий сифатли конструкциялар 24,3% бўлса нисбий сифатлилар эса 75,6% ни ташкил қилади. Сифат+от типидаги бирикмаларнинг тобе компоненти аслий ва нисбий сифатлар билан ифодаланган хиллари барча танламаларда ҳам бир хил эмас. Чунончи, тобе компоненти аслий сифатли конструкциялар медицина, тарих, география каби фанларда сезиларли даражада юқори. Бошқаларида эса уларга нисбатан кам миқдорда ишлатилган. Декак, бу конструкциянинг ишлатилиши фаннинг характера билан боғлиқлиги сезилиб турибди. Фан қанчалик абстракт характерда бўлса, аслий сифатли конструкциялар шунча кам, ва аксинча конкрет фанларда бу конструкция анча кўп қўлланилган. Чунки конкрет фанлар баён қилишнинг тасвирлаш усулидан кенг фойдаланади ва уларда ёрқин стилистик буёққа эга бўлган, субъектив баҳолаш хусусиятига эга бўлган сифатлар ҳам қўлланилади. Танланган М. Қориевнинг "Ўрта Осиё табиий географияси" номли асарида тоғлар, водийлар, дарёлар, текисликлар ва бошқа географик жойларни тасвирловчи кўпгина матнлар борки, уларда аслий сифатли конструкцияларнинг кўплиги кузатилади. Чунки географиядаги баъзи матнлар ўз характерига кўра баъзан бадиий матнларга яқинлашади. Бундай хусусиятлар медицина, тарих каби фанлардан олинган материалларда ҳам кўзга ташланади. Статистик маълумотлар шуни тасдиқлайдики, аслий сифатларнинг асосий хусусияти уларнинг конкрет тушунчаларни билдирувчи отлар билан бирикишидир.

Илмий ва бадиий услубдаги статистик маълумотларга асосланган ҳолда қуйидагича хулосаларга келиш мумкин:

1. Атрибутив бирикмалар илмий ва бадиий услубларда стилллараро ва стиллар ичра фарқловчи восита сифатида амал қилади

2. Содда атрибутив бирикмалар илмий услубда бадиий услубга нисбатан икки баравар кўп ишлатилади ва бу уларни услублараро фарқловчи белги сифатида кўринади.

3. Сифат+от бирикмаси ҳам илмий ва бадиий услубларни дифференциация қилувчи асосий конструкция сифатида илмий услуб доирасида анча фаол қўлланилади.

4. Сифат+от бирикмаси услубларни услублар ичра фарқловчи конструкциялардир. Уларнинг бадиий

услубда турли муаллифларда илмий услубда ҳар хил фанларда қўлланилиш частоталари фарқли миқдор параметрларига эга.

5. Сифат+от бирикмасининг семантик хусусиятлари услубларнинг системалилик характерини акс эттиради, бу тобе коппоненти аслий ва нисбий сифатлардан ташкил топган атрибутив бирикмаларнинг қўлланилиш частоталарида яққол кўзга ташланади.

6. Ҳар иккала услубда атрибутив бирикмалар миқдор параметрлари услубларнинг сифат фарқларини, услубий белгиларини юзага чиқарувчи тил воситалари сифатида намоён бўлади ва амал қилади.

Адабиётлар

1. Виноградов В.В. Современный русский язык, вып. I. -М.: 1938. -С. 155-156.

2. Головин Б.Н. Язык и статистика. -М.: 1971; Кожина М.Н. О речевой системности научного стиля сравнительно с некоторыми другими. -Пермь.: 1972; Кожина М.Н. О специфике художественной и научной речи в аспекте функциональной стилистики. –Пермь: 1966.

3. Ефремов А.Ф. Стилистика словосочетаний. Вопросы синтаксиса и стилистики русского литературного языка. –Куйбышев: 1963, 4-22-б.

4. Акуленко В.В. К определению функционального стиля. “Вестник Харьковского ун-та. №12, серия филологическая, вып 2, 1965, -С. 19. И.Р.Галперин. Речевые стили и стилистические средства языка. ВЯ, 1954, №4. -С.82.

РЕЗЮМЕ

Мақолада илмий ва бадиий услублар алоҳида функционал услублар сифатида атрибутив сўз бирикмалари сатҳида дифференциация қилинган. Сифат+от моделли атрибутив бирикмаларнинг статистик параметрлари мазкур услубларни услубляраро ва услублар ичра фарқлаши кўрсатилган. Улар услубларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларидир.

РЕЗЮМЕ

В статье научные и художественные стили дифференцируются как особые функциональные стили на уровне атрибутивных словосочетаний. Статистические параметры атрибутивных словосочетаний в модели «прилагательное + существительное» дифференцируют эти стили на межстилевом и внутри стилевом уровнях. Они являются количественными и качественными показателями этих стилей.

SUMMARY

In the article the scientific and belles-lettres styles are differentiated as separate functional styles at the level of attributive word combinations. The statistical parameters of attributive word combinations of the model «adjective+noun» differentiate these styles on the inter style and intra style levels. They are quantitative and qualitative indicators of these styles.

МӘМЛЕКЕТЛИК ТИЛ – БАСҚАРЫЎДЫҢ НЫЗАМЛАСҚАН ТИЛИ

А.Қ.Оразымбетов – *филология илимлериниң кандидаты, доцент*

Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: давлат, конституция, тил, низом, адабий тил, мустақиллик, ёзув, нутқ.

Ключевые слова: государство, Конституция, язык, закон, литературный язык, суверенитет, письмо, речь.

Key words: government, constitution, language, law, literary, language independence, writing, speech.

Қарақалпақ тили-көркемлиги, сөз байлығы ҳәм өриси жағынан өз орнына ийе, аўызеки ҳәм жазба тил мәденияты кәлиплескен, дүньядағы мәмлекетлик статусқа ийе тиллердиң қатарында турып, Қарақалпақстан Республикасының мәмлекетлик тили болып табылады. Республикамызда мәмлекетлик тилдиң қолланылыў өрисин кеңейтиў, тәкирарланбас имканиятларын жүзеге шығарыў, раўажландырыў, еле де байып ҳәм жетилисип барыўына кең имканиятлар жаратыў – бүгинги күндеги әҳмийетли мәселелердиң бири.

«Мәмлекетлик тил» уғымы жаңадан пайда болған түсиник емес, ол – барлық еллерде әсирлер бойында қолланылып киятырған бурыннан бар уғым. Мәмлекетлик тил – кәлеген мәмлекет ушын зәрүрли қубылыс. Демек, қандай да бир мәмлекеттиң өзине хызмет ететуғын тийкарғы тили болыўы нызамлы қубылыс. Мәмлекетлик тил алды менен «бийлик тили», өйткени, мәмлекет – басқарыўдың институты менен механизми десек, мәмлекетлик тил –басқарыўдың нызамласқан тили, бийликтиң өмир сүриў тили.

Қандай да тил болмасын, егер ол мәмлекетлик тил болып жәрияланса, ол сол елдиң негизги тили. Сонлықтан да ол тил ҳәкимшилик басқарыў органларының хызмет бабында қолланылыўы шәрт. Сондай-ақ, ол рәсмий ҳүжжетлерде, өндирис, билимлендириў, ағартыў, нызам, ҳуқыққорғаў органлары сыяқлы жәмийетлик турмыстың түрли тараўларында алды менен пайдаланылады.

Мәмлекет халқы мейли бир миллеттен турсын, көп миллеттен қуралған болсын, бәрибир өзинше тил проблемаларысыз болмайды. Мәселен, бир миллетли мәмлекетте мәмлекетлик тил мәселеси таза лингвистикалық сыпатта болып, ҳәзирги глобалласыў шараятында мәмлекетлик тил проблемасы диалектлер менен бирге сырттан кирген сөзлер арасында жүзеге келеди. Ал, көп миллетли мәмлекетлерде мәмлекетлик тил мәселеси жеке тиллер арасында миллетлер аралық дәрежеде болып, сиясий-лингвистикалық түске ийе болады. Себеби, көп тиллилик жағдайында барлық тиллерди ҳәрдайым тең сақлаў ямаса бирдей раўажландырыў мүмкин бола бермейди. Тиллердиң нызам жүзиндеги теңлиги менен хызмет етиў процесиндеги теңлиги деген екеўи еки бөлек түсиник. Конституцияда тиллер теңлиги жәрияланыўы мүмкин, солай да, олар хызмет етиў дәрежеси жағынан ҳешқашан тең болмайды. Деген менен, қарақалпақ ҳәм өзбек тиллерине мәмлекетлик тил статусының берилиўи республика аймағында жасап атырған миллетлер ҳәм халықлардың өз ана тилин пайдаланыўында Конституциялық ҳуқықларын кемситпейди.

Мәмлекетлик тил – мәмлекет пенен байланыслы дөрелген сиясий жәнe социаллық лингвистикалық категория. Қандай да бир тилдиң мәмлекетлик тил ретинде танылыўы, раўажланыўы жәмийеттиң, мәмлекеттиң социаллық-экономикалық курылымына, сиясий күшлериниң мүддәҳаларына (амбициясына), олардың тутқан ишки, сыртқы сиясатларына, халықтың социаллық лингвистикалық бағыт-бағдарына байланыслы болады. Демек, мәмлекеттик тил дегенимиз – елдиң барлық аймағында ҳәм түрли турмыс салаларында қолланылыўы ҳәммеге миннетли болып табылатуғын, рәсмий жағдайы мәмлекетлик дәрежеде белгиленген, белгили бир мәмлекеттиң социаллық - коммуникативлик системасының тийкарғы компоненти.

Қарақалпақ тили-қарақалпақ халқының миллий әдебий тили болып ғана қалмай, халқымыздың жоқары руўхыйлық ҳәм мәдениятын асырыў, жетискенликлеримиз ҳаққында мақтаныш етиў, өзлигимизди аңлаў ушын тийкарғы қурал. Қарақалпақ әдебий тилиниң мәмлекетлик тил сыпатындағы орнын тәмийинлеў, жәмийетлик-сиясий, руўхый-мәдений, экономикалық турмысымыздағы ролин асырыў, тәлим-тәрбия, ис жүргизиў, баспа ислери, ғалаба хабар қуралларында жоқары мәдениятлылық пенен пайдаланыў, сөз байлығы ҳәм тилдиң грамматикалық қурылысындағы өзгерислерди қалыс баҳалап барыў, керек болғанда, шаралар көриў, тилдиң раўажланыўы ушын саналы қатнас жасаўды әмелге асырыў ўазыйпалары менен тиккелей